Партия турмуши: коммунистлар аттестацияси

# Покланиш йўлидан

**КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қароридан сўнг коммунистлар ўртасида аттестация ишларини олиб бориш зарурати вужудга келди. Қоидага мувофиқ аттестация бошланғич партия ташкилотларининг барча бўғинларида авж олдириб юборилди. Жумладан, пойтахтнинг Фрунзе районида ҳам коммунистлар аттестацияси ўзининг ҳал қилувчи палласига кириб бормоқда. Мухбиримиз Фрунзе район партия комитетининг иккинчи секретари В. М. Плешаков билан худди шу хусусда суҳбатлашди.**

**— Владимир Михайлович, Фрунзе районига қарашли «Таштекстильмаш» заводи коммунистлари билан учрашганимизда, район партия комитети номига эътирозли фикрларни билдирдилар. Яъни аттестация ишчилар ўртасида эмас, балки аввал юқори орган раҳбарларидан бошлаб ўтказилиши керак экан. Бу масалада сизнинг фикрингиз қандай?**

— Ўтган йили район партия комитетининг конференциясида раҳбар коммунистларнинг ҳисоботи тингланган ва баҳоланган эди. Қолаверса, ҳозир район партия комитети аппаратида коммунистлар аттестацияси давом этаётир. Улар орасида аттестациядан ўтмаганлардан тўрттаси қолди, холос. Бу ходимларимизнинг ҳам муваффақиятли ўтишига шубҳа йўқ. Демак, кўринадики, аттестация завод аҳли айтганидек, фақат ишчилар орасида бошланибгина қолмай, район партия комитетларининг аппаратларида ҳам тенг олиб борилялти.

**— Маълумки, аттестациядан ўта олмаган шахс КПСС аъзоси бўлишга нолойиқ деб топилади ва партия сафидан ўчирилади. Бу соҳада районда аҳвол қандай?**

— Шу кунгача районда 3836 киши аттестациядан ўтказилган бўлса, улардан 94 нафари нолойиқ деб топилди ва 285 киши шартли равишда аттестациядан ўтди. Ўша 94 коммунистдан 41 нафари партия сафидан ўчирилди. Қолган 53 киши район партия комитетининг қарори билан партиявий жазога тортилди. Шартли ўтказилган кишиларга эса бошланғич партия ташкилотларида жазо берилиб, маълум муддат ҳам белгилаб қўйилди. Бу муддат ичида коммунистнинг ҳисоботи яна бир бор тингланади. Нима учун бундай муддат ажратилади, шартмикан, деб сўрашингиз мумкин. Турли шароитларни ҳисобга олган ҳолда синов муддати берилади. Бинобарин, бунда ўзини оқлаб олувчи коммунистлар ҳам бўлади, албатта. Худди мана шу «Таштекстильмаш» заводининг ишчиси Мақсуд Қорабоев 1987 йилнинг июль ойида аттестация комиссиясидан шартли равишда ўтган эди. У на жиддий партия топшириғига эга, на иши қониқарли эди. Тажриба цехининг ишчилари унга маълум муддат ажратиб обдон синадилар. Шу йилнинг февраль ойида эса мазкур цех бошланғич партия ташкилоти завод партия комитетига мурожаат қилиб М. Қорабоев жазосини олиб ташлашни сўради. Бундай ҳодисалар оз бўлсада учраб турибди.

**— Шу пайтгача бошланғич партия ташкилотлари билан район партия комитетлари ўртасидаги боғланишнинг йўқлиги туфайли кўпгина камчиликлар содир бўлганди. Аттестация давом этаётган айни пайтда бу борада амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида ҳам батафсилроқ тўхталсангиз.**

— Ҳафтада икки маротаба ўтадиган секретарь соатларининг биттаси энди бошланғич партия ташкилотларида район партия комитетининг инструктори иштирокида ўтади.

Маълумки, район партия комитетида инструктор масъул шахслардан ҳисобланади. Бу инструкторлар илгаригидек ҳамма тармоқлар учун эмас, балки ўзларига бириктирилган корхона, муассаса учун жавоб берадилар. Инструктор ана шу ташкилотнинг хоҳ иқтисодий бўлсин, хоҳ социал бўлсин, барча томонларини назорат қилиб туради, ёрдам бериб боради. Уларнинг жойларда олиб бораётган ишлари юзасидан ҳисоботлари эса аппарат бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида эшитилиб турилади. Эндиликда район партия комитетининг 13 нафар инструктори ана шундай ҳам масъул, ҳам оперативчи ролини ўтамоқда.

Бюро аъзоларининг деярли ҳаммаси районда давом этаётган коммунистлар аттестациясига бириктириб қўйилган. Биргина 1500 коммунистга эга бўлган Тошкент тўқимачилик комбинатининг ўзида иккита аттестация комиссияси иш олиб боряпти. Лекин аттестация ишини янада жадаллаштириш мақсадида учинчи яна бир комиссияни тузишга қарор қилдик. Бу ерда албатта район партия комитетининг аъзоси, комбинат партия комитетининг секретари У. С. Султонованинг ташаббуси ва роли катта бўлмоқда. Коммунистларга нисбатан қатъий талабчанлик принципида туриш корхона партия комитетининг асосий диққат-эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

Бу ерда яна шуни айтиш керакки, райкомнинг кўчма бюро йиғилишларини бошланғич партия ташкилотларида ўтказиш одат тусига айланиб қолди. Райкомнинг навбатдаги пленумида кўриладиган масалалар ҳам райком аъзоларининг таклифи асосида тайёрланмоқда.

**Ф. АСҚАРОВА.**



Омар Ҳасанович Саид ўғли энг яхши токарлардан биридир. У қадоқлаш ва ускуналарни ўраш тажриба-конструкторлик ва технологик бюросида ишлайди. Коллектив ўртасида обрў-эътибор қозонган бу ишчи ўзининг бой тажрибасини ёшларга бажонидил ўргатмоқда.

У. Усмонов фотоси.

# Ҳамшаҳарларимиз ҳимматига умидвормиз

**Оқшомхон Т. Тоиров Тошкент фонди бунёд этиш таклифини газетамиз орқали муҳтарам ўқувчиларимизга ҳавола қилган эди. Келаётган мактубларга қараб фикр юритадиган бўлсак, кўп тошкентликларни бу таклиф қизиқтириб қолди, мактуб муаллифлари орасида буни маъқуллаганлар ҳам, маъқулламаганлар ҳам бор.**

**Бугун биз муҳокама тарзида Тошкент фондини бунёд этиш хусусида редакциямизга келган мақолани эълон қилмоқдамиз.**

ПАРТИЯМИЗ қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик йўлини изчиллик билан ўтказмоқда, бу эса шаҳар ва район советларидан, уларнинг депутатларидан шаҳарни, унинг экономикасини, социал соҳани ривожлантириш жараёнларига, тошкентликлар ҳаётининг ўткир муаммоларига янгича назар солишни тақозо этади. Шаҳримизда экономика, социология ва экология муаммолари ниҳоятда ўткир бўлиб турганлиги аллақачондан бери ҳеч кимга сир эмас. Буларни ҳал этиш учун вақт керак бўлади, албатта. Меҳнат, моддий ресурслар ва айниқса молиявий ресурслар ниҳоятда асқотади.

Молиявий маблағ бўлмаса, ҳар қандай яхши режа ҳам яхши ният бўлиб қолаверади. Молиявий ресурсларни жамлаб, ягона мақсад йўлида сарфланганидагина кўп хайрли ишларни қилиш мумкин.

Бугунги кундаги нохуш аҳволдан ҳаммамиз хабардормиз, бутун бошли кварталларда, кўпинча эса микрорайонларда ҳам болалар боғчалари, поликлиникалар, мактаблар, спорт майдончалари етишмай турибди. Шу ўринда битта мисолни айтиб ўтай: ҳозир болаларнинг 18 та стационаридан фақат биттаси типовой бинодадир, қолган 17 таси мослаштирилган биноларда ўрнашган, буларнинг иккитасида канализация шоҳобчалари ва сув тармоқлари йўқ. 22 та болалар поликлиникасидан 20 таси мослаштирилган биноларда ишламоқда.

Матбуотда олий ўқув юртлари шаҳарчаси ва медицина шаҳарчасида жойлашган бир қанча олий мактабларнинг ётоқхоналарида студентлар нечоғлик ғарибона яшаётгани ёзилган эди, бу ерларда телеграф ҳам, саноат товарлари магазинлари, болалар боғчалари йўқ, спорт иншоотлари бармоқ билан санарли, томошахоналар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари етишмайди.

Бу муаммоларни ҳал қилиш лозим, албатта молиявий маблағлар етишмаётган бир шароитда ресурсларни қаердан олса бўлади? Бу саволга жавобни кўпчилик, жумладан «Тошкент оқшоми» газетхонлари ҳам изламоқдалар. «Тошкент оқшоми» газетасида Т. Тоировнинг мақоласи эълон қилинди. У Тошкентнинг махсус фондини очишни таклиф этди, ушбу фондга тушган маблағлардан шаҳар ҳаётининг турли соҳаларида фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Т. Тоировнинг фикрича, мазкур фондни Тошкент аҳли бунёд этади, ҳамшаҳарларимиз ушбу фондга маблағ беришга ва бу маблағлардан фойдаланиш йўлларини таклиф этишга тайёрдирлар.

Имоним комилки, бу ниҳоятда мўътабар таклифдир, бу шаҳримиз ватанпарварининг ҳимматини кўрсатиб турибди.

Т. Тоировнинг таклифини бажонидил қўллаб-қувватлар эканман, шунга оид айрим масалаларни ойдинлаштирмоқчи эдим. Номи бошқа бўлса ҳам, ҳарқалай, ана шундай фонд шаҳримизда 1985 йилдан буён мавжуд бўлиб турибди. Уни «Тошкент шаҳар ижроия комитети молия ресурслари фонди» деб атаймиз. Бу фонднинг СССР уй-жой-социал банки шаҳар бўлинмасида 000747201 рақамли махсус счёти ҳам бор.

СССРнинг «давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги қонунига кўра, корхоналар ва ташкилотлар халқ депутатлари совети территорияларини комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш, аҳолининг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, шунингдек маҳаллий бюджетни бунёд этиш учун ўтказаётган ишда фаол иштирок этишлари керак. Шаҳримизда жойлашган корхоналар ва ташкилотлар Тошкентимиз турмушида актив иштирок этмоқдалар.

Эндиликда Тошкент шаҳар ижроия комитетининг молиявий ресурслари фондида 4 миллион 172,9 минг сўм пул бор, ушбу маблағ икки кун тежаб қолинган ресурслар ҳисобига ишлаган корхоналар, ташкилотлар ва меҳнат коллективларидан, ўз ҳиссасини қўшиб уй-жой қуришда қатнашган худди ана шундай коллективлардан, четдан келган ходимларни ишга қабул қилгани учун взнос тўлаган корхоналардан, социал маданий тадбирлар фондининг бир қисмини ўтказган завод, фабрикаларнинг маблағларидан тушган.

Фондни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган коллективларни санаб ўтмоқчиман: гражданавиацияси бошқармасининг 243-заводи (1 миллион 740 минг сўм), «Спортлото» Ўзбекистон республика бошқармаси (189,6 минг сўм), Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси (120 минг сўм), «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси (70,2 минг сўм), «Тошкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси (133,9 минг сўм), «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси (119 минг сўм), Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ОДСи (176 минг сўм), «Ўзбекзолото» ишлаб чиқариш бирлашмаси (70,6 минг сўм).

Акс-садо

*«Тошкент фондини ташкил этсак бўлмайдими?»*

«Тошкент оқшоми», 1989 йил 13 март



Молиявий ресурслар фондига тушган маблағ эвазига қуйидаги объектлар қурилмоқда: Ҳамза ве Сергели районларида ҳар бирининг смета қиймати 1 миллион 797 минг сўм бўлган иккита типовой маданий спорт комплекси, Чилонзор районида смета қиймати 2 миллион сўм бўлган ёшлар маркази. Шу районда яна смета қиймати 400 минг сўм бўлган «Аквариум» мактаб клуби, смета қиймати 200 минг сўм бўлган болалар кафеси ва майдончаси қурилмоқда.

Ленин районида эса смета қиймати 220 минг сўм бўлган «Шарқ эртаклари» болалар майдончаси ва савдо расталари қурилмоқда, Октябрь районида смета қиймати 780 минг сўм бўлган 160 болага мўлжалланган типовой болалар боғчаси қурилиши, Акмал Икромов районида эса, смета қиймати 1 миллион 50 минг сўм бўлган учта сабзавот магазини, иккита сабзавот омбори ва консерва цехи қуриш мўлжалланмоқда.

Лекин бундан мазкур счётга бошқа даромадлардан маблағ ажратиш мумкин эмас, деган маъно келиб чиқмайди.

Ҳозирги вақтда хўжалик юритишнинг янги методлари жорий этилиши муносабати билан шаҳардаги корхоналар ва ташкилотларнинг махсус счётларида социал маданий тадбирлар фондларининг қолдиғининг ўзи 53 миллион сўмдан ортиб кетди, бу маблағ амалда ишга солинаётгани йўқ.

Башарти меҳнат коллективлари давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонунга амал қилиб ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ҳамда СССР Министрлар Советининг 1986 йил 23 июлдаги «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал ривожланишни мустаҳкамлаш учун халқ депутатлари советлари ролини янада ошириш ва масъулиятини янада кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, ўз корхоналари ва ташкилотларида маслаҳатлашиб олишганидан кейин юқорида зикр этилган маблағларнинг анчагина қисмини молиявий ресурслар фондига ўтказишга қарор берсалар бундан шаҳар ҳам, жумладан ана шу корхоналарнинг меҳнаткашлари ҳам катта наф кўрган бўлур эдилар. Айни вақтда ушбу счётга маблағ ўтказган меҳнат коллективлари, бу маблағларни аввало қандай мақсадларда сарфлаш лозимлигини таклиф этиш ҳуқуқига эгадирлар. Равшанки, бу маблағлар ана шу корхоналар меҳнаткашларининг биринчи социал-маиший шароитларини яхшилашга сарфланган бўлур эди. Ахир, биз битта шаҳарнинг фуқароларимиз, шу шаҳарни жон дилдан севамиз, она шаҳримиз билан фахрланамиз.

Т. Тоировнинг Тошкент фондини бунёд этиш ҳақидаги таклифи хусусида тўхтаб, азиз ҳамшаҳарларимизга, пойтахтимиздаги корхоналар, ташкилотлар коллективларига мурожаат қилмоқчиман: келинг, мазкур фондни бир кунлик иш ҳақимизни ўтказиб, коммунистик шанбаликларда иштирок этиб, шунингдек ҳимматли баланд фуқароларимизнинг эҳсонлари билан тўлдириб бораверайлик.

Такрор айтаманки, ҳамшаҳарларимиз, бу таклифни қўллаб-қувватлашларига имоним комил. Ахир улар Арманистон ва Тожикистондаги табиий офатдан жафо чеккан кишиларга моддий ва молиявий ёрдам бериш тўғрисидаги даъватларга, Чернобиль атом электростанциясидаги содир бўлган авария оқибатларини тугатишга ҳисса қўшиш тўғрисидаги чақириқларга «лаббай» деб жавоб берганлари шундан далолат бериб турибдику.

Неча юз минглаб тошкентликлар жафокаш арман халқига ўша машаққатли кунларда ёрдам бериб, инсонпарварлик ва олийҳимматлик намуналарини кўрсатишди-ку. Она шаҳримиздаги меҳнат коллективлари ва айрим кишилар Арманистонга пулнинг ўзи билангина 12 миллион сўмлик ёрдам бердилар.

Ишончим комилки, Тошкентни замонавий шаҳарга айлантириш учун, шаҳар аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш учун корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат коллективлари ҳеч нарсани аямайдилар.

Ишончим комилки, ижодкор зиёлилар намояндалари, ёшларимиз бизни бажонидил қўллаб-қувватлайдилар. Молиявий ресурслар фондини кўпайтиришда ўзбек давлат концерт бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия, китоб савдоси ташкилотлари ва бошқа министрликлар ва идоралар жуда фаол иштирок этишлари мумкин. Ҳайрия концертлари, нашрлик фаолияти учун гонорарларни, ёшларнинг шанбаликлари ва якшанбаликлардан тушган маблағларни ҳам 000747201 счётига ўтказиш мумкин.

Тан олиш керак, бизнинг ҳам айбимиз бор, шаҳардаги кооператорлар, гражданларнинг турли жамоат ташкилотларининг аъзолари, диний уюшмаларнинг аъзолари ҳозирча бу счётдан бехабардирлар.

Тошкентнинг бир фуқароси сифатида барча гражданларга, шаҳримиз муаммоларини ҳал этишга бел боғлаган барча кишиларга, шаҳардаги социал инфраструктурани тубдан яхшилашни кўнгилга жо этган барча ҳамшаҳарларга мурожаат қилиб, Тошкент шаҳри молия ресурслари фондини кўпайтиришга иштирок этишга чақираман.

Шуни маълум қилиб қўйишни истардимки, шаҳримизнинг молиявий органлари ходимлари ўзларининг бир кунлик иш ҳақини мазкур фондга ўтказишга қарор қилдилар, ахир халқимиз тома-тома кўл бўлур, деб бежиз айтмаганку.

**С. БУЗРУКХЎЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети молия бошқармасининг бошлиғи.**

Минг бир касб

# Нияти ўзига йўлдош

Ўз касб-корига садоқатли кишилар ҳаётда озмунчами? Марвар ака ҳам ўзи танлаган касбдан бахт-иқбол топган, элда обрў-эътибор қозонган инсонлардан. Унинг ўз ишига муҳаббати, фидойилиги шаҳар электр транспорти ходимлари орасида тиллардан тилларга ўтган.

Бир касбда 35 йил меҳнат қилишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Камтар, уқувли йигит ишга дастлаб келган дамларини завқ билан эслайди. 1953 йили «Тоштрам»да ишлайдиган қўшниси Маҳмуд ака Комилов Марварни Хадрадаги 2-трамвай депосига бошлаб келди. Трамвайларни шу кунга қадар ҳам кўриб юрган Марвар «Тоштрам»да ишлаб вагонларни ўз қўли билан ремонт қилишни ўйлаб, ҳаяжонланди. Трамвай ғилдираклари орасида ниманидир бураётган уста Аҳмад Расулов 17 ёшли йигитчани шогирдликка бажонидил қабул қилди.

30 йил муқаддам шаҳар электр транспортининг ички резерв кучлари етарли равишда техника, асбоб-ускуналар билан жиҳозланмаган, трамвайларнинг ремонт билан боғлиқ бўлган муаммолари талайгина эди. Бунинг устига эҳтиёт қисмлар етишмас, техник нуқсони сабабли вагонлар йўловчилар хизматидан тез-тез қайтиб келарди. Ўткир зеҳнли, билагида кучи бор Марвар ўзи меҳнат қилаётган ҳаракатдаги составларни ремонт қилиш цехи коллективи билан тез тил топишиб кетди.

Мураккаб техника воситаларини тез ва соз ремонтдан чиқариш йўлларини пухта ўрганди. Вақт ўтган сайин мавжуд техника сирларини, ремонт қилиш усулларини ўзлаштирди. Трамвайларни хўжакўрсинга созлайдиган слесарларни ремонт сифати ва самарадорлигини оширишга даъват этди.

Фан ва техника сирларига ғоят интилувчан М. Шафиқов тезда ўзи мустақил равишда ишлайдиган устоз даражасига эришди. 2-трамвай депосининг аҳил коллективи Марварни Совет Армияси сафига кузатиб қўяр экан: «Йигитлик бурчингни шараф билан адо этгач, депога албатта қайтиб кел йигит, сени кутамиз»,— деб қолишди.

Марвар ўз аҳдига вафо қилди. Шонли қуролли кучлар сафидан қайтган кунининг эртасигаёқ, ўзи севган касбида ишлаш истаги билан қадрдон депосига келди. Корхона коллективи камтар, бир сўзли йигитни қувонч билан кутиб олди.

Марвар мулойим жилмайиб, теварак-атрофга боқди. Қаранг йиллар ўтиши билан 2-трамвай депосида қанчадан-қанча ўзгаришлар юз берибди. Илгарилари 8—10 та трамвай айланолмайдиган паркда ҳозирги кунда 250 дан ортиқ трамвайлар мавжуд.

Чилонзорнинг Ғафур Ғулом кўчасида жойлашган янги транспорт корхонасининг 18 та ишлаб чиқариш корпуси замонавий типдаги янги техника билан жиҳозланди. Трамвайларни мукаммал ремонт қилиш, техник хизмат кўрсатиш учун 4 та ремонт устахонаси илмий техника воситаларидан унумли фойдаланяпти. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 21 та трамвайни жорий, ўртача капитал ремонт қилиш имконияти мавжуд. Цехларга ўрнатилган 20 та кўтарма кран оғир қўл меҳнатини енгиллаштириб меҳнат унумдорлигини оширмоқда. Устахона хандақлари ва цехларига ўрнатилган кондиционерлар қиш вақтида иссиқлик улашади. Цехларга, бош механик ва мастер хоналарига ўрнатилган репродуктор-радио инженер-техник ходимлар, ремонтчилар, бригадалар, диспетчер ва ҳайдовчиларнинг бир-бирлари билан алоқасини мустаҳкамлайди. Бу ердаги трамвайларнинг бир йиллик ҳаракати 72 минг километрни ташкил этади.

Йиллар, йиллар... Самарали, фидокорона меҳнат билан ўтган йиллар Марвар ака ва унинг ҳамкасб дўстларига шуҳрат келтирди. Депонинг етакчи слесари, толмас билакли Марвар ака меҳнати эл оғзига тушди, трамвайларни тез ва пухта, сифатли ремонт қилиш борасидаги меҳнатлари зое кетмади. У бир неча бор шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси маъмуриятининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Донгдор слесарь ўн иккинчи беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммасига қўшимча социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Мотор, ғилдирак пружиналари, тормоз системалари ремонт сифати ва самарадорлигини оширишда изланувчан слесарь бир неча рационализаторлик таклифларини жорий этди. Вагонларни йўловчилар хизматига чиқиш плани 102,2 процент бажарилишига сабаб бўлди.

Техник нуқсонлари сабабли вагонларнинг йўлдан депога қайтиб келиш ҳолларини 10 процентга камайтириш, ёш ремонтчилар малакасини ошириш борасида Марвар ака киритган конкрет таклифлар бошқармага қарашли барча деполарда қизғин маъқулланди.

Шаҳар кўчаларини тўрт ўқли тезюрар, юмшоқ ўринли «РВЗ» маркали трамвайлар тўлдирди. Янгича қисмлар, янгича тормоз системалари ремонтчилардан изланиш, ўқиш, ўрганишни талаб қила бошлади. Марвар Шафиқов ремонтчилар ичида биринчилар қатори янги трамвайнинг тормоз, компрессор, редуктор қисмларини мукаммал ўрганиб олди.

Ҳозирда, 2-трамвай депосида унинг олдига тушадиган ремонтчи топилмайди, десак муболаға бўлмайди. Эл хизматига чиқаётган ҳар бир вагоннинг техник, айниқса тормоз системаларининг созлиги Марвар аканинг зиммасига юкланади.

Бугунги кунда ташаббускор ишчи меҳнат қилаётган 2-трамвай ремонт устахонасида меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон. Усталар бутун куч ва ғайратларини ишга солиб, депода йўловчилар ташиш бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажариш, 59 миллион 900 минг йўловчини манзилга етказиб қўйиш, пландан ташқари пойтахтимизнинг 160 минг аҳолисига аъло хизмат кўрсатиш, ҳаракат мунтазамлигини 96 процентга кўтариб, техник сабабларга кўра вагонларнинг депога қайтиб келишини камайтириш ҳисобига йўловчилар ташиш таннархини 0,2 процентга камайтириш, ҳайдовчи ва ремонтчилар орасида сиёсий ва тарбиявий ишларни яхшилаб, кадрлар қўнимсизлигини 10 процентга камайтириш, 30 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаш ниятида баракали ва унумли меҳнат қилмоқдалар.

**Ф. АБДУРАҲИМОВ,**
**кўп нусхали «Мотор» газетасининг редактори.**

Шарҳчи сатрлари

# СССР—Куба: ҳамкорликнинг янги уфқлари

Чет эллик меҳмонни кутиб олиш учун ярим миллион нафар одам кўчага чиққан экан ва яна шунча киши шаҳардан аэропортгача бўлган 30 километрлик йўл устида азиз меҳмонни кузатиб қолган экан, шунинг ўзи меҳр-оқибат балқиб турган катта воқеадир. М. С. Горбачевнинг Кубага биринчи ташрифи чоғида ана шундай бўлди. Гаванадан репортаж йўллаган деярли барча журналистлар учрашувнинг ниҳоятда самимий ўтганини таъкидламоқдалар. Фидель Кастронинг айтишича, Куба пойтахти илгари сира бунчалик кўп мухбирларни кутиб олмаган эди.

Ғарбдаги шарҳловчилар бунга алоҳида эътибор беришганининг боиси яна шундаки, улар сафар арафасида иккала мамлакат ўртасида жиддий ихтилофлар борлиги хусусида далиллар тўплашга обдон уринган эдилар. Шу муносабат билан Пренса Латина ахборот агентлиги қуйидагиларни таъкидлади: «Совет раҳбарининг ташрифи арафасида АҚШ ва Ғарбдаги бошқа мамлакатларнинг ахборот монополиялари сафар дилни хуфтон қиладиган вазиятда ўтади, деб «башорат» қилган эдилар. Кубада ва Совет Иттифоқида содир бўлаётган янгиланиш жараёнларининг хусусий ҳолатларида улар ана шу икки мамлакат ўртасида ўтиб бўлмайдиган ғов бўлишини хоҳлайдилар». Аммо, ҳарқалай, Ғарб матбуоти кейинчалик тахминлар ўзини оқламади, деб тан олди. «Гаванада Совет Иттифоқи билан Куба позициялари расман тўқнашади, деб ўйлаган кишиларнинг ҳафсаласи пир бўлди», — деб ёзди Американинг Эй-Би-Си телекомпанияси иккала раҳбарнинг музокаралари якунланганидан кейин.

Ташриф СССР билан Куба ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлигини тасдиқлади. Илгари бўлганидек, ҳозир ҳам совет кишилари дўст халқнинг иззат-ҳурматини жойига қўймоқдалар, чунки бу халқнинг тарих ўз зиммасига юклаган мушкул вазифани, яъни ғарбий ярим шардаги миллий озодлик ҳаракати тўлқинини илгари мисли кўрилмаган юксакликка кўтаришига, айни вақтда бу жасоратни фавқулодда қийин ташқи шароитларда рўёбга чиқаришига тўғри келди. Республика бунёд этилганидан кейин орадан ўтган 30 йил ичида шимолдаги қудратли қўшни сурункали дағдаға қилиб турибди. Куба халқининг унга ҳамиша мадад бериб келган Совет Иттифоқига меҳри илгаригидек қайноқдир. Гарчи, баъзан ана шундай мадад бизни қийин аҳволга солиб қўйган бўлса ҳам, биз ёрдам бериб келавердик. Ташриф чоғида М. С. Горбачев билан Ф. Кастро Совет—Куба муносабатлари тарихида биринчи марта 25 йиллик муддатга мўлжалланган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар, бу ҳужжатда муносабатларнинг асосий принциплари қайд этилган бўлиб, унда қардошларча муносабатларни такомиллаштириш «халқларимизнинг фаровонлигини ошириш ва тинчликни мустаҳкамлашга қўшилган самарали ҳисса бўлади» деб айтилган декларация бор.

Нуқтаи назарларда тафовутлар бор, албатта, лекин баъзан ана шундай тафовутлар ўтиб бўлмайдиган ғовлар пайдо қиладиган давр ортда қолди. М. С. Горбачев Совет—Куба алоқаларининг барқарорлиги ҳақида гапирар экан, Куба Миллий ассамблеясининг тантанали мажлисида сўзлаган нутқида мазкур алоқалар тенг ҳуқуқлилик принципларига суянади, мустақиллик ҳурмат қилинади, иккала томон бир-бирининг масъулиятини ва интернационал ўзаро ёрдам зарурлигини тушуниб туради, деб таъкидлади.

Ташрифнинг аҳамияти иккала мамлакат муносабатларигагина тааллуқли эмас. Америкада учта асосий телекомпания борки, булар янгиликларнинг аҳамияти бобидаги ўз фаразларида фақат онда-сондагина янглишадилар, ушбу телекомпаниялар етакчи шарҳловчилар бошчилигида Гаванага кўпдан-кўп репортёрларни юборишгани бежиз эмас. Улар бу гал ҳам хато қилишмади. Никарагуада чиқадиган «Баррикада» газетаси воқеанинг миқёсини ҳушёрлик билан илғаб олди, шу газета «Куба халқи М. С. Горбачевни ўз мамлакати номидангина эмас, балки бутун Лотин Америкаси номидан ҳам кутиб олди», деб ёзди. «Нью-Йорк таймс» газетасининг фикрича, Кубага сафар «совет раҳбарининг Лотин Америкаси мамлакатларига ташрифига дебочадир» холос. Вашингтондагилар ғарбий ярим шардаги совет ташқи сиёсий тадбирларини олдиндан пайқаб олишга ҳаракат қилиб, Гаванадаги воқеаларни зийраклик билан кузатиб борганликлари табиийдир.

Совет раҳбарининг нутқларида ҳам, шартнома текстида ҳам регионлардаги можароларни ҳал этишнинг куч ишлатиш методлари қатъиян рад этилди.

Умуман бу ташриф ҳамкорликнинг янги уфқларини очди, бу сафар, аввало муаммоларни, улар нечоғлик ўткир бўлмасин, тинч йўл билан ҳал этиш йўлларини қидиришга, ҳар бир халқнинг ўз йўлини ўзи танлаб олиш ҳуқуқини ҳурмат қилишга, цивилизацияни сақлаб қолиш учун биргаликдаги масъулиятни англаб олишга асосланадиган янгича сиёсий фикрлашнинг жаҳонда қарор топишида муҳим довонлардан бири бўлди.

**В. ВАСИЛЕЦ.**
**(ТАСС).**

